

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СТАТИСТИКА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**512** 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1192-2*

*(2009 йил 29 ноябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 31 декабрдаги 490-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2001 й., 22 — 24-сон, 159-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2002 йил 29 октябрдаги 4, 129 ва 2002-86-сонли қарори билан тасдиқланган 1 январь ҳолати бўйича асосий фондларни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1192, 4 декабрь 2002 йил) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 23-24-сон) иловага\* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

**С. БЕКЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 октябрь,  
90-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**47 (391)-сон**

**Молия вазири**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 октябрь,  
98-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 октябрь,  
2009-30-сон

**Давлат статистика  
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,  
2009 йил 20 октябрь,  
2-сон

— 133 —

**512-513-моддалар**

**Р. АЗИМОВ**

**Б. ПАРПИЕВ**

**Ғ. ҚУДРАТОВ**